

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил сентябрь ойининг 6-куни, жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди Янгиҳаёт туман “Янги-Чоштепа” маҳалла фуқаролар йиғини биносида очик сайёр суд мажлисида, судья З.З.Ярашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Н.Пирановнинг котиблигида, Янгиҳаёт туман прокурорининг ўринбосари Ш.Шукуров, айбланувчи Саттаров Хусан Зухритдинович ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Буксинбаев ва жабрланувчи З.Нишанбаеваларнинг иштирокида,

1990 йил 11 февраль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, “Боғи эрам” маҳалла фуқаролар йиғини, 11-мавзе, 40-уй, 16-хонада яшовчи Саттаров Хусан Зухритдинович (*Sattarov Xusan Zuxriddinovich*)га оид

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан 1-1012-2303/343-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш ҳужжатларига кўра: айбланувчи Х.Саттаров 2023 йил 07 апрель куни соат 19³⁰ ларда ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани “Мархамат” маҳалла фуқаролар йиғини, 9-қурилиш ҳудуди, 29-уй, 42-хонадонда таниши З.Нишонбоеванинг уй ишлари билан банд бўлиб, эътиборсиз қолганидан фойдаланиб, уйнинг меҳмонхонасида қолдирилган аёллар сумкасининг ичида бўлган 500 АҚШ доллари (5.698.500 сўмга тенг) миқдоригаги нақд пулларни яширин равишда талон-тарож қилиб воқеа жойидан яширинганликда айбланган.



Суд мажлиси жараёнида жабрланувчи З.Нишанбаева ариза билан мурожаат қилиб, Х.Саттаров билан ўзаро ярашиб олганлигини, тергов жараёнида унинг даволанишига кетган харажатларни нақд пул шаклда олганлигини, ҳозирда унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, Х.Саттаров билан ихтиёрий ярашганлигини билдириб, жиноят ишини ярашувга асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Х.Саттаров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим этиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ бартараф қилинганлиги ва у билан ярашганлигини билдириб, жиноят ишини ярашувга асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд жабрланувчи Х.Саттаровнинг ярашув тўғрисидаги аризасини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Янгиҳаёт туман прокурорининг ўринбосари Ш.Шукуров ва айбланувчи Х.Саттаровнинг ҳимоячиси-адвокат А.Буксинбаевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, Х.Саттаровнинг айбига тўлиқ иқрорлиги ва етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлигини, жабрланувчи З.Нишанбаеванинг бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув айбланувчи Х.Саттаров, жабрланувчи З.Нишанбаеванинг хоҳиши билан бўлаётганлигини инobatга олиб, Х.Саттаровга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни ҳамда ажрим қонуний кучга киргач унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи З.Нишанбаевага Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни



қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
84-моддасининг 4-қисми ва 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Саттаров Хусан Зухритдинович (*Sattarov Xusan Zuxriddinovich*) Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 66¹-моддасига асосан ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилинсин.

Саттаров Хусан Зухритдиновичга оид Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан жиноят иши Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан туриб, ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи З.Нишанбаевага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач айбланувчи Х.Саттаровга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

З.З.Ярашев

Маъсул судья: Ярашев Завқиддин Зайнидинович

